РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Венгрия Республикаси Президенти Арпад Генц шу йил 29 октябрь — 1 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Россия Президенти Борис Ельцин Москвага расмий ташриф билан келган Литва Президенти Альгирдас Бразаускас билан учрашди. Икки томонлама муносабатларнинг кенг кўламдаги ривожи муҳокама этилди. Шундан сўнг икки томонлама расмий делегациянинг музокаралари бўлиб ўтди ва қатор шартномалар имзоланди. Учрашувнинг асосий масаласи Россия—Литва давлат чегаралари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бўлиб қолади.*

***

☑ *БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича Олий комиссарлиги (ҚМБОК) 24 октябрдан бошлаб, Афғонистон шимолидаги Сахи лагерида жойлашган тожикистонлик қочқинларни ўз ватанига қайтаришни режалаштирмоқда. Мазкур тадбир Сахи лагери билан Ўзбекистон чегараси яқинидаги Ҳайратон шаҳрини боғлайдиган йўллардаги вазиятнинг ҳозир анча барқарорлашганидан фойдаланган ҳолда, бир неча ҳафта давомида амалга оширилади.*

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистоннинг Сахи лагеридаги тожикистонлик қочқинларни ўз мамлакатига қайтаришга кўмаклашишга қарор қилди ва уларнинг республика ҳудуди орқали ўтишига рухсат берди. Дастлаб куни Сахидаги қочқинлардан бир гуруҳи Ҳайратонга келади ва баржалар орқали Ўзбекистоннинг Термиз шаҳрига ўтади. Шундан сўнг, махсус текширув ва тиббий кўрикдан ўтиб, поездда Тожикистонга йўл олади. ҚМБОК шу йўсинда ҳар ҳафта 1500 га яқин тожикистонлик қочқинларни ўз ватанига қайтаришни режалаштирмоқда.

ҚМБОК эълон қилган баёнотда ёзилишича, комиссарлик ташаббуси билан ўтган ҳафтада, гарчи, Афғонистон шимолида вазият беқарор бўлиб турган бўлса-да, Қундуз вилоятидаги тожикистонлик қочқинларнинг барчаси ўз мамлакатига қайтарилди.

Тожикистонда 1992-93 йилларда бўлган фуқаролар уруши даврида 50 мингга яқин Тожикистон фуқароси Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига қочиб ўтган эди. Сахи лагеридаги бир неча минг киши ана шу қочқинларнинг энг охирги вакилларидир. ҚМБОК мўлжаллаган тадбир тўла амалга ошса, Афғонистондаги тожикистонлик қочқинларнинг саргардонлигига барҳам берилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қочқинларни ўз мамлакатига қайтариш Ўзбекистон ҳукуматининг бевосита кўмаги билан амалга оширилмоқда ва бу борада республикамиз раҳбарияти томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовордир.

* * *

☑ *Ўтган кунлар мобайнида Гонконг фонд биржасида кутилмаганда акцияларнинг баҳоси 10,4 фоизга пасайиб кетгач, дунёнинг энг катта молия бозорларида ҳам қимматли қоғозлар савдоси кўрсаткичлари пасайиб кетди. Индекснинг фонд биржасида пасайиши Токиода 3, Франкфуртда 4,6, Лондонда 3,4 фоизни ташкил этди.*

* * *

☑ *Озарбайжон мустақиллиги куни арафасида Президент Ҳайдар Алиев амнистия ҳақидаги фармонга имзо чекди. Фармонга кўра, 7 мингдан ортиқ маҳбус озодликка чиқади. Шулардан 3 мингдан кўпроғи аёллар ва кексалардир.*

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1997 йил 25 октябрь, шанба № 125 (22.209). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КИШИНЁВ УЧРАШУВИ: ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО ТЕНГЛИК БИЛАН ҚАДРЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Молдова пойтахти — Кишинёвда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиб қайтди.

Аввало, таъкидлаш жоизки, мазкур учрашув унда кечган қизғин мунозаралар, ўртага ташланган аниқ ва қатъий мулоҳазалар, таклифлар билан ўзига хос сифат касб этди. Чунки, кейинги вақтда МДҲ ҳозирги шаклда ўз амалий аҳамиятини йўқотиб бораётгани, унинг тобора алоҳида блокларга бўлиниб кетаётгани хусусида кескин фикрлар пайдо бўлди. Кишинёв саммитида худди шу фикрлар юзасидан ҳар бир давлат ўз нуқтаи-назарини баён этди.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Молдова пойтахтидаги республика саройида дастлаб МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг яқин келажақдаги уствор йўналишлари, айни вақтда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида ўзаро фикрлар алмашилди. Президентлар МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволига эътибор қаратиб, унинг келгуси истиқболи нималарга боғлиқ экани юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Шунингдек, Президентларнинг ўзаро мулоқоти чоғида умумий қишлоқ хўжалик бозорини ташкил этиш, трансмиллий корпорациялар фаолияти, можароли вазиятлар бўйича МДҲ қўмитасининг низоми билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, МДҲга аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда ноқонуний миграцияга қарши ҳамкорликда иш олиб бориш, МДҲ давлатлари ҳудудида 2000 йилга қадар уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича давлатлараро дастурнинг амалий жараёни, МДҲ органлари фаолиятини такомиллаштириш, МДҲ ҳудудида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг иш юритишига доир масалалар кўриб чиқилди.

Музокараларда МДҲ доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенглик асосида бўлгандагина ривож топиши алоҳида таъкидланди. Айни хусусда гап кетганда, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу масала бўйича билдирган нуқтаи-назари учрашув иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотганини айтиш жоиз. Ислом Каримов айрим сиёсий арбобларнинг ҳамон МДҲга сиёсий ранг беришга ҳаракат қилаётгани, қолаверса ҳамдўстлик таркибида турли хил иттифоқлар тузиш билан сохта обрў орттириш йўлида қуйиб-пишаётгани республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмаслигини, аксинча бундай ҳаракатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги деган тузилманинг мантиғига ҳам, руҳига ҳам зид эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, МДҲ ҳақида гапирганда унга сиёсий ўргу бериш ёки мазкур тузилмани халқаро ҳуқуқнинг субъектига айлантиришга уриниш, қолаверса алоҳида-алоҳида сиёсий иттифоқлар тузиш мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тенглик ва дўстлик томойилларига мутлақо хилофдир. Маълумки, МДҲ ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Иқтисодий ҳамкорлик эса ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлиликка асосланади. МДҲ доирасидаги иқтисодий интеграция жараёнида ҳам мамлакатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни, ўзаро интеграция жараёнида ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари эътиборга олиниши лозим. Лекин, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик саҳнасига назар солинса, мазкур тамойиллар баъзан ошкор, баъзан зимдан бузилаётгани кўзга ташланади. МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги «тушунмовчилик» ёҳуд ўзаро ҳамкорлик жараёнидаги турғунлик сабабларини ҳам айнан шу нуқтадан қидириш мантиққа яқинроқ бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲ доирасидаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабаби ўзаро интилишлар, шунингдек, ўзаро ҳисоб-китобларнинг номувофиқлигида эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, МДҲга аъзо айрим мамлакатлар, хусусан Белорусь ҳамда Россиядаги баъзи сиёсий кучларнинг хатти-ҳаракатларидаги собиқ шўро тизимини қўмсаш кайфияти, «Евросиё», «конфедерация» ташаббусчиларининг ҳаракаталари ўз мамлакати ва халқининг мустақиллиги, равнақини ўйлайдиган сиёсатчиларга маъқул келмаслиги табиий. МДҲга аъзо давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири ана шунда бўлса, яна бир томондан ўзаро ҳисоб-китобларнинг бузилганидадир. Чунки, собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг, ҳар бир мустақил мамлакат ўз миллий валютасига эга бўлди ва «ягона ҳисоб-китоб тизими» барҳам топди. Бу эса мазкур муносабатларда янгича тамойилларни вужудга келтирди. Маълумки, ҳали ҳеч бир МДҲ мамлакатининг миллий пул бирлиги «эркин алмашинадиган валюта» мақомига эга бўлгани йўқ. Шу сабабли ўзаро ҳисоб-китобларда маълум қийинчиликлар вужудга келди. Шу ўринда айтиш керакки, модомики бирон давлат бугун маълум қийинчиликларга рўпара келаётган экан, муаммонинг ечими яна ўша эски — «ягона молиявий тизим»га қайтишда эмас, балки ўз имкониятларидан оқилона фойдаланишда, деб билмоғи лозим.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини барқарорлаштириши, уни юксалтиришда халқнинг салоҳияти ва жаҳон тажрибасига таяниши керак. Мамлакатимиз раҳбари Кишинёв сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида ҳам буни алоҳида таъкидлади. МДҲ давлат раҳбарларининг Кишинёвда ўтган йигирма иккинчи учрашувида асосий эътибор ҳамкорликнинг ана шу жиҳатларига қаратилди.

Музокараларда МДҲга аъзо кўпгина давлат раҳбарлари томонидан билдирилган фикрлар ҳам ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосидагина равнақ топиши мумкин эканини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит дастури бўйича кўзда тутилган МДҲ давлатлари ҳудудида арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судлар қарорларининг биргаликдаги ижроси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг МДҲ ҳудудида иш юритиши, озодликдан маҳрум қилинган фуқароларни ўзаро алмашиш ва бошқа бир қанча масалаларга доир ҳужжатлар имзоланмади. МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг кенгашига мазкур ҳужжатларни яна қайта ишлаш ва кўриб чиқиш топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Кишинёв учрашуви, гарчи у ерда ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган бўлса-да, ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро муносабатларга яна бир карра ойдинлик киритиш, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш учун имконият яратди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Кишинёвдан Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов кутиб олди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Кишинёв — Тошкент.
(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Европа Кенгаши конституциявий ҳуқуқ маркази кўмаги билан ташкил этилган халқаро семинар ўз ишини якунлади. Унда ўзбекистонлик мутахассислардан ташқари германиялик ва грециялик ҳуқуқшунос олимлар ҳам иштирок этишди.

Анжуманда Европа давлатларида анчадан бери фаолият кўрсатиб келаётган Конституциявий судлар тажрибаси мисолида конституциявий ҳуқуқшуносликнинг муҳим назарий жиҳатлари муҳокама қилинди.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида мўйқалам усталаримизнинг уч юзта сара асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган бўлиб, асарлар икки кўҳна маданият марказининг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилади.

* * *

Хўжаобод пахта тозалаш заводи янги ҳосилдан олинган 300 тонна толани биринчи харидор — Сеул тўқимачиларига жўнатди. Швеция, Голландия, АҚШ ва Италия компаниялари ҳам бу ердан тола олишга навбатда туришибди.

Долзарб мавзу

ИШДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАГАЧ...

ЁХУД ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ ХЎЖАСИЗЛИК ҲАҚИДА

1. БИР ХИЛ ШАРОИТДАГИ ИККИ ХИЛ АҲВОЛ

Ҳаёт бир марта берилади. Инсон инсондай яшаши керак. Бунинг учун эса кўзланган мақсаддан ташқари юрак ёниб турмоғи лозим.

Ҳаётда шундай кишиларни, улар қилаётган ишларни кўрганда дилинг яйрайди. Мана, андижонликлар. Улар амалга ошираётган ишларни кўриб, ким хурсанд бўлмайди дейсиз?! Бугун водий ҳақида гап кетса, ҳамма уларни ибрат сифатида тилга олади. Андижонга бақамти бўлган Наманган вилоятидаги аҳвол эса кишини ташвишлантиради. Нега шундай?

Наманганликларнинг улардан кам жойи борми? Ери қашшоқми, иқлими кескин фарқ қиладими? Йўқ, албатта. Аслида Наманган билан Андижон бир вақтлар яхлит бир вилоят бўлган.

Майли, узоққа бормай Наманганнинг ўзидан мисол қидирайлик. Наманган тумани Тўрақўрғон билан ёнма-ён жойлашган, бир ариқдан сув ичади. Гўё бир ўрикнинг икки мағзи. Аммо...

Бу йил Наманган тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришди. Улар йиғиб олган 23.672 тонна пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Ҳосилдорлик 34,2 центнердан ошиб тушди. Эндиги ният бу кўрсаткични қарийб қирқ центнерга етказиш. Ана шунда пахтачиликдан олинадиган даромад 540 миллион 85 минг сўмни ташкил этади. Бу фақат шу соҳадан 47 миллион 340 минг сўм нақд фойда демакдир. Шунингдек, туманда етиштирилган пилла, ғалла, мева ва сабзавотлар ҳам катта даромад келтирмоқда.

Бу ютуқларнинг сири нимада?

Аввало, янгиликка интилишда. Бу йил туман пахтакорлари мавжуд 6920 гектар ернинг 3400 гектарига плёнка остига андижонча усулда чигит экишди. Олди хўжаликлар шу агротехникага амал қилиб, 45—50 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлишди. «Хонобод» жамоа хўжалигида бу йил очиқ майдонда 40 центнергача ҳосил олинди, ғалла ҳосилдорлиги эса 55 центнерни ташкил этди. Бугунгача

(Давоми 2-бетда).

НОРИН «СИР»И

Норинлик пахтакорлар бу йил янгича тутумни ушладилар. Бозордан қолган бир кун — экишдан қолган бир йил, деб туманда чигит экиш ҳар сафаргидан 20 кун авваллади. Норин пахтазорларида 50 дан ортиқ «зангори кема» ишлатилди, 3 минг тоннадан ортиқ пахта машиналарда терилди.

«Катта Ўлмас», «Норин», «Тошкент» жамоа хўжаликларида йиллик режалар барвақт уддаланди. Олди пайкаллардан 42 центнергача ҳосил ундирилди. Туман бўйича 24500 тоннадан ортиқ хом ашё қабул пунктларига жойланди.

Терим давом этяпти.

М. ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎРҒОНТЕПАЛИКЛАР ЗАФАРИ

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик топшириғини бажарди. Қабул пунктларига 28 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27,2 центнерни ташкил этди. Қўрғонтепаликлар ялпи хирмонни 30 минг тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Юқори Чирчиқ тумани пахтакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб пахта топшириш буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига 19 минг 400 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб берилди. Ўртача ҳосилдорлик 27,4 центнерни ташкил этди. Бу ғалабага «Гулистон» корпорацияси, Аҳмад Яссавий, «Ийк ота» ва «Туркистон» жамоа хўжаликлари айниқса салмоқли ҳисса қўшди.

(ЎзА).

СОФ ДАРОМАД — 12 МИЛЛИОН

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Кумишкент» жамоа хўжалиги шу мавсумда пахтанинг ўзидан 23 миллион сўм даромад олди. Шундан 11 миллиони кеттан сарф-харажатларни қопласа, 12 миллиони хўжаликка соф даромад тариқасида қолди. Олинган соф даромаддан жамоа хўжалиги инсфрактурасини ривожлантириш учун фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси — Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ИШДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАГАЧ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

уйилган «оқ олтин» режага нисбатан 125 фоизни ташкил этди.

2. ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАЙДИ

— Ҳамма гап ишни ташкил этишда экан, — дейди хўжалик раҳбари Юсуфжон Рожиев. — Бизнинг туманга Рустамжон Исматуллаев ҳоким бўлиб келгач, биринчи навбатда қилган иши пахта устаси бўлган оқсоқоллардан иборат маслаҳат кенгаши тузди. Биз шуларнинг маслаҳати билан энг аввало еримиз, иқлим шароитимиз талабларидан келиб чиқиб уруғлик танладик, кунлар илиган заҳоти уни экишга киришдик. Чигит апрелнинг бошида тўла-тўкис экиб бўлинди. Биласиз, «Фарғона-3» нави 136 кунда етилади. Биз пахта очилган заҳоти теримга киришдик. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эрта эккан эрта йиғиб олади. Хом ашё сифатли, ҳосил баракали бўлади.

Бу йил саратоннинг жазирама кунларида аксарият жойларда ғўза ўрта поғонадаги ҳосилни ташлаб юборди. Мана шу вазиятда пахтани талофатдан сақлаб қолган яна ўша оқсоқоллар бўлди. Уларнинг маслаҳати билан биз ғўза шона ташлайдиган пайтда енгил суғориш, енгил ишлов ва ўғит бериш усулини татбиқ этдик. Бу ўзини оқлади. Кейин биз шарбат воситасида суғориш орқали ҳосилга ҳосил қўшдик.

— Аслида гап бунда ҳам эмас, — дейди Рустам Исматуллаев. — Биласизми, мен анча йил Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли жамоа хўжалигига раҳбарлик қилдим. Одамлар томорқани тўтиё билади. Чунки уларнинг оғирини енгил қиладиган ана шу томорқа. Томорқасидан 70—80 центнердан ғалла ҳосили кўтараётган, бир йилда икки марта ҳосил олаётган миришкорлар Наманганда оз эмас. Ўйлаб-ўйлаб, хўжаликда ишни жонлантиришда пудрат усули қўл келиши мумкин экан деган фикрга бордим ва шуни татбиқ этдик. Ва бунинг самарасини ўз кўзим билан кўрдим. Наманган туманида иш бошлагач, энг аввало, барча хўжаликларда ана шу усулни жорий этдик. Пудрат — бу ерга эгалик туйғусини шакллантирадиган омилдир, деҳқон ўзини шу заминнинг хўжайиниман деб ҳис қилган кундан бошлаб ишда ўзгариш бўлади. Бундан ташқари, у ўз меҳнатининг самарасини кўриши, яъни моддий жиҳатдан манфаатдор бўлиши керак. Мен англаб етган ҳикмат шуки, юртбошимиз айтганидек, ҳозирдан келаси йилнинг ҳосили ғамини ейишимиз зарур. Эртапишар, серҳосил навни синовдан ўтказиб экишимиз керак. Азалий тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда уларни янги замонавий технологиялар билан бойитиб боришимиз шарт. Шунинг учун ҳам кузги ғаллани вақтида экиб, кўкартириб олдик. Экиндан бўшаган майдонларни шудгорлаб, пушта олиб қўймоқдамиз. Далаларга маҳаллий ўғит чиқаряпмиз.

3. ЭСКИЧА УСУЛДА ИШЛАШ ИЛЛАТИ

Бир ариқ ҳатлаб, нариги пайкалга кирсангиз, шу ҳолатнинг тамомила тескарисини кўрасиз. Ғўза ғовлаб кетган. Кўсак бор-у, очилмаган. Хўжалик аъзолари теримга тўла сафарбар этилмаган. Ҳосили йиғиб олинмаган пайкалга сув қўйиб юборилган. Ҳа, гап Тўрақўрғон тумани ҳақида боряпти.

Тўрақўрғонликлар ўтган йили йиғим-теримни 25 ноябргача судраб боришди, аммо шунда-да йиллик режанинг 85 фоизи миқдорида ҳам пахта тайёрлай олишмади. Йилнинг бошида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари кўкламги экин-тикинга тайёргарлик жараёни билан танишиб, туманда бултурги хатолардан тегишли хулоса чиқариб олинмаган деган тўхтамга келишди. Техника мавсумга деярли созланмаган. Ариқ-зовурлар тартибга келтирилмаган. Хўжаликлараро каналларни тозалаш 32 фоизга бажарилган, холос. Шўр ювишга эътибор суст. Туманда 5430 гектар майдонга пушта олиш режалаштирилгани ҳолда бу иш атиги 10 фоизга бажарилган. Маҳаллий ўғит жамғариш аввалги йилдагига нисбатан 37 минг тоннага камайтириб юборилган.

Афсусланарли жойи шундаки, юқоридаги камчиликлар январь ойининг биринчи ўн кунлигида уқтириб кўрсатилган бўлса-да, шундан кейин ҳам ҳеч қандай ўзгариш қилинмаган.

Ибрат номли жамоа хўжалигида бу йил 833 гектар ерга чигит экилди. Бугунгача йиғилган ҳосил 65,5 фоизни ташкил этмоқда. «Сусткашликнинг сабаби нима?» деб сўрасангиз, хўжалик раҳбарлари «Биз «Наманган-77» навли уруғдан эккан эдик, шунинг касрига қоляпмиз, унча тош босмайди» дейишади. Айбни уруғга тўнкаб, ўзлари сувдан қуруқ чиқишади. Ҳолбуки, хўжаликнинг 300 гектар ери бултур шудгор қилинмай қолиб кетган, баҳорда ҳайдалган, оқибатда у серкесак бўлган. Ер шунга яраша ҳосил бериши кундай равшан-ку. Лекин улар буни тан олишни исташмайди. Ўзларича бизни алдаяпмиз, деб ўйлашлари мумкин. Лекин аслида шундаймикин?! Наҳот, улар ерни, деҳқонни, содда қилиб айтганда, ўзларини ўзлари алдашаётганларини хаёлларига келтиришмайди?!

4. «ХЎЖАЛИКНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?»

«Ғайрат» жамоа хўжалигида эса 76 гектар ерга чигит экилгач, насос станциясини таъмирлашга киришилган. Ғўза бўй кўрсатиб, кейин қовжираб қуйиб кетган. Яна 40 гектар ерга дориланмаган уруғ экиб, «чув» тушишган. Хуллас, нега хўжалик шу пайтга қадар ҳосилнинг ярмини ҳам териб ололмади? — деб сўрасангиз, раис ўринбосари Асомиддин Абдуллаев мингта важ кўрсатади. Гўё пахта бошқаларга кераг-у, у кишига керак эмасдек. Бултур ҳам аҳвол худди шундай бўлган. Бугунги кунга келиб хўжалик қулоғигача қарзга ботган. Унинг турли ташкилотлардан кредитор қарзлари 42 миллион 313 минг сўмни ташкил этади.

Биз «Хўжаликнинг эгаси борми ўзи?» деб сўрасак, «Раисимиз августдан буён даволаниб ётибдилар» дея жавоб қилишди. Айтишларича, Сотволди Ғаффоров олтмиш олти ёшда экан.

— Оқсоқолдан жиловни олса, ўзиб кетадиган ёшлар Тўрақўрғонда йўқми? — деб сўрасак, туман ҳокими Омонулла Исматуллаевдан.

— Бор. Аммо у кишини «Тўрақўрғон» жамоа хўжалигига раис қилиб қўйдик, — дейди. Маълум бўлишича, гап Сотволди аканинг ўғиллари Муҳибилла Ғаффоров ҳақида кетаётган экан. Албатта, бу шахслар ишни қойил қилиб қўйишганда бир оғиз ҳам эътироз билдирмаган бўлар эдик. Аммо хўжаликлардаги аҳволни кўриб, тўрақўрғонлик бир шоирнинг «Бизда булбулнинг ўғли булбул бўлади» деган қочирими ёдимизга тушади...

Олтмиш икки яшар яна бир раҳбар — «Намуна» жамоа хўжалиги раиси Араббой Иброҳимовга нисбатан пахта етиштиришда режадагидан 182196 сўм ортиқча сарф-харажат қилинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси аломатлари билан жиноий иш қўзғатилган. Бу отахон ҳам шу кунларда даволанаётир. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида эса умуман биринчи раҳбар йўқ!..

Бу — ер эмас, балки бутун-бутун хўжаликлар йиғим-терим айни қизиган бир пайтда эгасиз қолиб кетганидан далолат бермайдими, ахир?! Бу — туман раҳбариятининг ишга, ўзининг бурчига, ислоҳотларга бўлган муносабатини ўзида намоён этмайдими?!

5. ЯХШИ ОДАМ, АММО ЁМОН РАҲБАР

Биз эгат оралаб пахта тераётган ҳашарчи қизларни, ўқувчиларни кўриб, очиқ гап, ҳокимдан ранжидик. Қани бу пахтанинг чинакам эгалари? Қаёқда юрибди улар?

Тўрақўрғонда иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунинг жабрини эса, табиийки, туман аҳли тортаётир. Ҳар ҳолда, улар ҳам бу ерда ўзгаришлар бўлишини, шундан ўзлари манфаат кўришини исташса керак?!

Тўрақўрғонда бу йил мавжуд ғўзанинг ярми ҳам чеканка қилинмади, агротехника юмушлари пала-партиш бажарилди, кўпгина майдонлар сув бостириб суғорилди, шунинг оқибатида кўзланган ҳосил тўпланмади, ғўза ғовлаб кетди. Дефолиация ҳам номига ўтказилди. Чунки пахтани машинада териш уларнинг хаёлига ҳам келмаган.

Бугун, ғалвир сувдан кўтарилаётган пайт. Ернинг умрига, деҳқоннинг умрига, қилинган меҳнатга, сарф-харажатга юрагинг ачийди. «Ён қўшнингиз тез пишар, ҳосилдор пахта навларини излаб топиб, деҳқончилик маданиятини ошириб, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиб, кўзланган натижага эришмоқда, нега сиз шундай йўл тутмадингиз?» десангиз, ҳоким қайсидир хўжаликни дўл уриб кетганлиги, шуни видеотасмага муҳрлаб қўйишгани ҳақида гап очади. «Бир кўрасизларми?» дейди. Шунда беихтиёр туяқушнинг важи ёдингизга тушади. Туяқушдан «Сен нега учмайсан?» деб сўрашса, «Мен туяман» дер экан, «Унда нега юк кўтармайсан?» дейишса, «Мен қушман-ку!» дер экан у. Омонулла Исматуллаев бир қарашда яхши одам, лекин... ёмон раҳбар.

Ҳолбуки, шу туманда профессор Ботирали Исаев ўзининг тажриба даласида салкам 40 центнердан пахта ҳосили кўтарди. Буғдой 65 центнер, такрорий экин сифатида маккажўхори экиб, тағин 60 центнер дон олишди. Демак, интилган мақсадга эришади. Имкон бор, ҳамма гап уни юзага чиқаришда, ишни тўғри ташкил эта билишдадир. Тўрақўрғонликлар эса ўзлари билан елкама-елка ишлаётган олимлар имконияти, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришаётгани йўқ, шекилли?!

6. НИМАНИ ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Вилоятда шу кунгача уч туман йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалади. Ҳар учала туман ҳокими ҳам янгидан иш бошлаган раҳбарлардир.

Эскилар нима қилишмоқда?

Уйчи туманида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу ерда меҳнаткашларни рағбатлантириш бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйилмаган «Қизилравот» жамоа хўжалигида режадаги ҳосилнинг атиги ярми йиғиб олинди. А. Маърупов бошлиқ бригада далаларида эгатларга сув қўйиб юборилган, бу ҳам етмагандек, ана шу пайкалда пахта тердирилган.

Косонсой туманининг «Қўқимбой» жамоа хўжалиги ҳозиргача йиққан пахта режанинг 49 фоизини ташкил этиб турибди. Хўжаликда 600 нафар аъзо бор, яна уларга ҳар куни шунча ёрдамчи келади. Аммо терим суръати ошаётгани йўқ. Хўжалик раиси А. Мадалиев айбни техниканинг елкасига юклайди.

Чустнинг генерал Файзулла Норхўжаев номли жамоа хўжалигида кейинги икки йил ичида бошқарув раиси уч марта алмашди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам ўзини мана шу заминга тақдирдош деб билмади. Хўжаликда пахта етиштириш билан боғлиқ кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ишлар бўлаётир. Ғофуржон Деҳқонов бошлиқ бригада пахтазорлари май ойида 28 кун ишловсиз қолиб кетди. Лекин бригада бошлиғи ўзини тўрт томонга урса-да, на хўжалик раҳбари, на ҳосилот чопиқ трактори масаласида унга ёрдам беришмади. Оқибатда эса...

Хайрулла Файзуллаев бош бўлган бригада пахтакорлари эса шу кунга қадар бир килограмм ҳам пахта теришмаган...

Аҳвол шу зайлда давом этса, теримчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, уларга маданий, маиший хизмат кўрсатиш изчил йўлга қўйилмаса, самара ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқчадир. Ҳаётда эса исбот талаб этмайдиган шафқатсиз ҳақиқат мавжуд: нимани эксанг, шуни ўрасан!

Наманган деҳқончилигининг бугунги аҳволи ҳар қандай кишини ташвишга солади. Бу вазиятдан чиқиш учун энг аввало ерга муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Хўжалик раҳбарлари, ҳокимлар ишни тўғри ташкил этиши, манфаатдорликни таъминлаши, бунинг учун эса тинимсиз изланиши, ташаббус кўрсатиши, янгиликни ҳаётга татбиқ этиши лозим. Президент Ислом Каримов бултур 6 ноябрда халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Наманганнинг қишлоқ хўжалигидаги оқсоқлик сабабларини изоҳлаб, шундай деган эди: **«Вилоятда уруғчиликка, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор йўқ. Замонавий техника, технология ўзлаштирилмаяпти, ўғит ва сувдан самарали фойдаланилмаяпти».** Бу фикр ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас! Чунки шу кунларда деҳқон меҳнати туфайли етиштирилган пахта териб олиниши билан бирга кейинги йил ҳосилига замин яратилиши лозим.

Ғаффор ҲОТАМОВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ЭШИГИНИ ЎРИНДИҚЛАР ТЎСГАН АВТОБУС

Эл қатори дам олиш кунлари уй ишларим, бозор-ўчар баҳонаси остона ҳатладим. Қолаверса, болам ётган касалхонага боришим керак бўлиб қолди. Рўзғор юмушларига тез-тез улгурдим-да, йўлга чиқдим.

Аввало ўғлимнинг олдига бордим, соғ-саломат ётибди, иссиғи тушган, безовталанишилар қолган. Оғриқлар ҳам пасайган. Кўнглим таскин топди. Фарзандимга далда бериб, яхши даволанишни тиладим.

Тўқимачилар касалхонасидан чиқиб, автобусларни кутдим. Бир бадбашара, ҳаммаёқлари қирилган, хунук автобус келиб тўхтади. Бундоқ қарасам 40-йўналиш (бу автобус 12-автокорхонага қарашли бўлиб, давлат рақами «84-11 ТНБ») «Сирғали-Темир йўл» вокзали йўналиши бўйлаб юрар экан. Ўшанга чиқдим. Йўловчилар дарров жой беришди. Мен раҳмат айтиб ўриндиққа ўтириб олдим.

Хаёл билан ўғлимнимг соғлигини, унинг менга илтижо билан қараб қолганини ўйлаб кетаётган эканман, бирданига автобус қаттиқ «тормоз» бериб тўхтади. Биз йўловчилар эса ўриндиқ билан бирга автобуснинг ичига биримиз йиқилгал, биримиз қўлимиз билан ойнани ушлаб, йиқилай деб ўзимизни аранг тўхтатиб олдик. Мен эса ўриндиқдан йиқилиб, оёқ-қўлим мой бўлди. Қаттиқ ранжиб ҳайдовчига: ука нима сиз тахта олиб кетяпсизми деб мурожаат қилдим. Ўзимни ўнглаб олиб, бундоқ қарасам эшикнинг бир табақаси очиқ, бир табақасига эса эски ўриндиқларни қалаштириб, ёпиб қўйилган.

— Шундан бошқа автобус йўқмиди, дейишди кўнгилсизликдан таъби хиралашган бошқа йўловчилар ҳам.

Салондаги бир ёш йигит бўлса нуқул тиржаяди, ҳеч нима бўлмагандек пул йиғиш, чипта сотиш билан овора.

Ёқутхон ХОЛМУҲАМЕДОВА.
Тошкент шаҳри.

ЙЎЛ АЗОБИ...

ёки Европага қандай чиқиш мумкин?

Шу йилнинг ёзида сирдарёлик дўстларим билан Москвага борадиган бўлдик. Аслида Қозоғистоннинг Туркистон, Қизил Ўрда, Оқтепа (Актюбинск) шаҳарлари орқали Россия ҳудудига киришимиз керак эди. Биз ҳайдовчининг таклифига кўра, йўналишни ўзгартириб, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот божхона масканидан ўтиб, Қозоғистоннинг Бейнов божхонаси орқали Россиянинг Саратов губерниясидан ўтиб, йўл минг чақирим узоқ бўлса-да, Москвага кириб бордик.

Йўл азоби, гўр азоби, дейдилар. Тўғри экан. Сабаби, манзил узоқ, бундан ташқари, Қўнғиротдан Бейновгача бўлган масофа — уч юз чақирим нари-берисида йўллар жуда носоз, ўнқир-чўнқир. Тизза бўйи қум-чанг экан. Йўлларнинг нобоплиги сабаб, биз бораётган микроавтобуснинг карбюратори ҳаво тозалагичдан етарли «нафас» ололмай қоқ саҳрода «йўталиб» қолди. Машинани қолдиришга мажбур бўлдик. Ўзимиз поездга чиқиб йўлда давом этдик.

Биз юқорида айтган бақрхан йўллар Европага чиқади. Жаҳоннинг маълум бир нуқталари шу йўл билан туташади. Бу осон ва қулай йўлдир. Уч юз чақиримга етар-етмас, бу карвон йўлни таъмирлаб, асфальт қилиш вақти аллақачон етган. Йўллар талабга жавоб бермаса-да, бу ердан қатнаётган юзлаб юк машиналари худди карвонни эслатади. Ҳар бир уловнинг кетидан кўкка ўралган чангни бир кўрсангиз эди...

Тўғри, йўл қурилиши ҳам осон кўчадиган иш эмас. Бунинг учун вақт, маблағ керак. Менинг таклифим шуки, йўлсоз ташкилотлар ҳар бир ўтган юк машинасидан йўл таъмири учун ўртача 20-25 минг сўм атрофида йиғим ташкил қилишса. Ҳайдовчиларга бу пулнинг тўланганлиги тўғрисида патта берилса. Бунга йўлдан қатновчи ҳайдовчи ва йўловчилар жон, деб рози бўлишади. Чунки, баъзи жойларда оддий кўприк ёки паромдан ўтиш учун пул тўлашади улар. Масалан, биз ўзимиз Қозоғистонда кичик паромдан ўтиш учун уч минг танга қозоқ пули тўладик. Россиянинг Волга дарёси кўпригидан ҳам бепул ўтмадик. Лекин, бу бизга оғир ботгани йўқ. Мана шу усулни Қўнғирот-Бейнов йўлини таъмирлашда қўлланса нимаси ёмон?! Ана шунда ҳам анчамунча маблағ йиғилиб қолади.

Энг асосийси, вақтдан ютилади, ёнилғи ҳам тежалади. Манзилга вақтида етиб борган маҳсулот ўз сифатини сақлаб қолади. Чунки, уч юз чақиримга яқин бу масофани тажрибали ҳайдовчилар камида бир кун, бўлмаса 25-30 соатда зўрға босиб ўтишга тўғри келмоқда.

Азамат СУЮНОВ,
журналист.

ҚАЧОНГАЧА ТУРТКИ КУТИБ ЯШАШАДИ?

Шаҳрисабз туманидаги Собир Абдулла номли 78-таянч мактабнинг 320 ўринли янги қурилиши 1991 йил бошланиши керак эди. Аммо... Қашқадарё вилояти капитал қурилиш бошқармаси республика бюджетидан пул бермаяпти, деган важ-карсон билан қурилиш ишларини орқага ташлаб келяпти. 1995 йил Шаҳрисабздаги 2-механизация кўчма колоннаси томонидан ишлар сал силжигандай бўлган эди. Яна 1996 йил 6 мартга келиб, маблағ йўқлиги сабаби билан тўхтатилиб қўйилди.

Бу ҳақда Шаҳрисабз туман ҳокимлигига, Қашқадарё вилоят ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилдик. Туман ва вилоят ҳокимлигидан мутасадди кишилар келишиб, мактабнинг шароитини ўрганиб чиқдилар. 320 ўринли мактабни қуриш зарурлигини таъкидлашди ва қуриб берамиз, деб ваъда беришди. Аммо қачон қурилади? Гап шу ерга келганда, масала очиқ қоляпти. Бугунги таълим ислоҳ қилинаётган бир пайтда эскича фикрлаш, ваъдабозликка ўрганган айрим раҳбарларимиз қачонгача туртки кутиб яшашар экан?

Аҳад МУҚИМОВ,
мактаб директори, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ЖЎМАРДЛАР КЎП СИРДАРЁДА ҲАМ

Пахта тайёрлаш борасида Сирдарё вилояти энг охирги ўринда бораяпти. Бу, албатта, вилоят пахтакорларининг ориятини қўзғаши, сафарбарликка чорлаши, барча имкониятлардан фойдаланиб мавсумни муваффақиятли якунлашга даъват этиши лозим. Вилоятнинг орқада қолиши бу ерда ҳамма ёмон ишлаяпти, деган гап эмас. Қўриқ воҳада ҳалол тер тўкаётган, пахтадан мўл ҳосил олишни орномус иши деб билаётганлар анчагина. Тўғри, вилоятни орқага судраётганлар, олға интилиши учун тўғаноқ бўлаётганлар бор. Булардан кўз юмиш қийин. Зеро, улар ҳақида алоҳида сўз юритамиз ҳали. Бу гал эса...

Оқолтинда иқтисод-бизнес коллежи бор. Унинг асосий вазифаси ҳаммага аён: юқори малакали мутахассислар тайёрлаш. Халқаро акмеологик фанлар ва Педагогика академияларининг ҳақиқий аъзоси Ёвқочди Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган билим маскани бу вазифани аъло даражада уддалаяпти, деб баралла айтиш мумкин. Коллеж жамоаси ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан бирга уларнинг ота-оналари — пахтакорларга ҳам яхшигина сабоқ беряпти.

Янги замон одамлари

Қандай дейсизми? Баҳорда улар 34 гектар майдонга чигит эккан эдилар. Ҳозир ўша ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан сифатли ҳосил териб олишди. Бу кўрсаткич 50 центнерга етиши тайин, чунки даладаги ҳосил чўғи ҳали баланд. Бу ибрат, сабоқ эмасми? Ваҳоланки, бир ариқдан сув ичадиган қўшни пайкалларда ҳосилдорлик 15-20 центнердан ошмаяпти. Коллежнинг тажриба даласига туташ «Сардоба», Укубоев номли хўжаликларда йиллик режа шу пайтгача аранг 40-50 фоиз бажарилди. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, қолаверса баъзи деҳқонлари мўл ҳосил етиштириш сирларини ўрганиш учун қўшни вилоятлардан мисол ахтариб юрмай, ариқ ҳатлаб ўтиб коллежнинг тажриба даласига назар ташласалар бўларди. Ахир қўриқ воҳада гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили териб оламиз, дея кўкракка мушт ураётганлар деярли йўқ. Булар эса ҳеч бир шовқин-суронсиз, юқори ташкилотлардан «уни беринг, буни беринг» демасдан, ўз кучлари, билими билан шундай юқори ҳосил етиштириб туришибди. Бунга тасанно айтмай бўлмайди!

Коллеж жамоасининг мавсумдаги ишлари фақат шу эмас. Улар йиғим-теримда туман хўжаликларига беминнат ёрдам кўрсатишаяпти. 486 нафар талаба белга этак боғлаб, ҳосил йиғим-теримида қатнашяпти. Уларнинг шу кунгача уйган хирмони 1000 тоннага яқинлашиб қолди. Алишер Ҳайдаров, Ҳамза Эгамов, Рамзия Мустафоева сингари талабалар теримда пешқадамлик қилишяптилар.

Бобо САРОИЙ.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Яқинда «Хезби вахдат» ҳаракатининг Покистондаги вакили доктор Толиб генерал Абдул Маликнинг қочиши ҳақидаги хабарларни рад этиб, буни ақл бовар қилмайдиган ҳодиса деди. Унинг мухбирларга берган хабарида айтилишича, 20 октябрь куни Шибирғонда ҳақиқатдан ҳам генерал Дўстум ва Малик гуруҳлари ўртасида жанг бўлган. Бироқ бунга сабаб дала қўмондонларидан бирининг ўзбошимчалигидир.

«Интернет» ахборот марказининг хабарларига кўра, қисқа муддатли жангдан сўнг Малик ва Дўстум ўзаро келишиб олишган. Айни пайтда Малик «Жумбуши миллий» ҳаракатининг сиёсий раҳбари ҳисобланмоқда. Дўстум эса бирлашган қуролли кучларнинг бош қўмондонидир.

Генерал Дўстумнинг қайтиши Афғонистонда тинчликни барқарорлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Бу ҳақда кўпчилик сиёсий арбоблар айтишмоқда.

Ўтган сешанба куни толибларга қарши кучлар раҳбарларининг йиғини бўлиб ўтди. Унда генерал Абдурашид Дўстум, генерал Абдул Малик, Афғон шиаларининг раҳбари Карим Халилий, шунингдек Аҳмадшоҳ Масъуд иштирок этдилар. Мажлисни Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний олиб борди.

Шу куни Афғонистоннинг Пули-Ҳумри шаҳрида Афғонистон ислом фронтининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда толибларга қарши афғон гуруҳларининг барча раҳбарлари иштирок этишди. Генерал Абдурашид Дўстум Афғонистон Президентининг ўринбосари қилиб сайланди. Генерал Абдул Малик эса ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллади. Ушбу мажлисда толибларга қарши кучларнинг мамлакат шимолидаги навбатдаги ҳаракатлари, чунончи шимолдаги энг йирик аҳоли пункти ҳисобланмиш Қундуз шаҳрига ҳужум уюштириш масаласи муҳокама қилинди.

Ҳозирча Афғонистон ҳудудининг учдан икки қисмини эгаллаб турган «Толибон» ҳаракати вакиллари бу ёғи нима бўлар экан, деб туришибди. Улар музокаралар юритишга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

«ТРУД» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтимизда ўтказилаётган шахмат бўйича халқаро болалар турнири давом этмоқда.

Унда республикамизнинг турли вилоятларидан ва қўшни Қирғизистон мамлакатидан ташриф буюрган 16 ёшгача бўлган 80 нафардан зиёд ўғил-қизлар куч синашишмоқда.

Турнир тўққиз кун мобайнида давом этади. Финал ўйинларини ўтказиш 29-30 октябрь кунларига режалаштирилган.

Мусобақанинг ташкилотчилари бўлиб Ўзбекистондан Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси фаолият кўрсатишди.

«Труд» газетасининг Ўзбекистондаги мухбири В. Бирюковнинг айтишича, бу турнир анъанавий бўлиб қолади.

Абдумалик БОБОЕВ.

Япония кўчаларида.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Аломат дунёнинг аломат ишлари

ОРЗУ ҚИЛИНГ, ХАЁЛ СУРИНГ

Гарвард университетининг олими Генри Лаффитнинг таъкидлашича, «Бугунги кунда дунё олимлари фақат пул кетидан қувиб, моддий манфаатдорлик йўлида қаттиқ курашмоқда. Бу эса организмга оғирлик қилади ва натижада организмнинг касалликларга қарши кураш жараёнини, айниқса, юрак-қон-томир касалликларига чалинишини тезлаштиради».

Лаффитнинг айтишича, буни олдини олишнинг энг осон йўли гўзал орзулар оғушида хаёл суриш экан. Негаки ёрқин орзулар хаёли мияда қон айланишини меъёрга солиб, унинг фаолиятини енгиллаштириб, равонлаштираркан. Шунда асабийлашиш ҳам ўз ўзидан камаяди, дейди профессор. Айниқса, рак билан касалланиш сезиларли даражада камаяди.

ЧЎҚҚИГА ЧИҚҚАН НОГИРОНЛАР

Шу йилнинг август ойи охирларида бир гуруҳ ногиронлар Африкадаги Килиманжаро чўққисини забт этишди.

— Ҳаммаси икки йил аввал 5047 метрли Казбек чўққисини ишғол этилгандан сўнг бошланди. Бу бизнинг биринчи ғалабамиз эди, — дейди экспедиция бошлиғи Матвей Шпаро. — Ўшанда ногирон-коляскаликлардан гуруҳ тузилган. Биз бу чўққини анча осон забт этдик. Шунинг учун энди бундан баланд чўққини танладик ва гуруҳимиз ҳам турли ногиронлардан тузилди, яъни кўр, кар, коляскага «михланганлар», жами 6 киши бўлдик. Танзаниялик ногирон Адам Сианг еттинчи бўлди.

Килиманжарони забт этиш жуда қийин кечди. Чўққига кўтарилган сари нафас олиш оғирлашиб, кимларгадир кислородли баллон кийдиришга тўғри келди, кимларгадир нашатир спирти қўл келди. Айниқса, экспедиция гуруҳидаги яккаю-ягона қиз Оля Рунцевичга ва Володя Глуховга қийин бўлди. Негаки, уларнинг кўзлари кўрмайди. Шунинг учун иккининг олдида гуруҳ тренери Роман Гауташвили юрди. У ташланажак ҳар бир қадамни, аниқроғи, қаерда тош, қаерда чуқур, қаерда муз ва қор борлигини уларга тушунтириб борарди.

— Бироқ чўққига фақат ногиронлар гуруҳи чиқмади, балки ундан икки баравар кўп киши чиқди. Негаки, ногиронларнинг юкларини кўтариб олган хизматкорлар, уларни ёмон «кўзлардан» асраган қўриқчилар ва қузатувчилар, шифокорлар ҳам биз билан қадамба-қадам чўққига кўтарилишганини, бизга эш, мадад бўлишганини мамнуният билан айтиб ўтмоқ жоиз, — деди гуруҳ бошлиғи.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Фаст фуд» индустриясининг дунё бўйича етакчиси «Макдональдс» яқин уч йилда Лотин Америкаси мамлакатларида ўз тармоғини кенгайтириш учун миллиард доллар инвестиция киритишни мўлжалламоқда, дея хабар беради «Рейтер» ахборот агентлиги. Бу минтақа ҳудудидаги «Макдональдс» ресторанлари сонини икки баробар кўпайтириш ва икки мингтага етказиш имконини беради. Айни пайтда фирма минтақадаги 27 та мамлакатда ўз тармоғига эга. «Макдональдс»нинг 105 мамлакатда 22 мингта муассасаси мавжуд. Шундан 10 мингтаси АҚШда. Компания ўз даромадининг 60 фоизини Кўшма Штатлар ҳудудидан ташқаридаги фаолиятидан олади.

* * *

Немис газетаси «Пассауер Тагесанцайгер»да Франциядаги сиёсий жараёнларга бағишланган мақола эълон қилган. Газетанинг ёзишича, француз парламенти муҳим демократик ўзгариш ясади, яъни фуқароларнинг сайлов ва референдумларда қатнашиш тартибини осонлаштирди. Фуқаролар аввал 21 ёшдан сайлов ва референдумларда иштирок этсалар, янги қонунга кўра, бутун ривожланган мамлакатларда бўлганидек, бу муддат 18 ёшдан деб белгиланди. Бундан ташқари, фуқаролар энди сайловчилар рўйхатига ўз номларини ўзлари киритмайдилар, балки балоғат ёшига етгач, бу ўз-ўзидан амалга ошади. Мақолада ёзилишича, ҳукуматнинг фаол қаршилигига қарамай, француз парламенти ушбу қонунни қабул қилган.

* * *

Испания консерватив газетаси «АБЦ» Куба коммунистик партияси бешинчи съезди иши таҳлилига бағишланган мақола эълон қилади. Газетанинг ёзишича, Кубада яқин орада коммунистик диктатуранинг қулашидан дарак берувчи тенденциялар мавжуд. Давлат сиёсати фақат бир кишининг кайфияти, жилмайиши ёки саломатлигидан келиб чиқар экан, бундай тузум узоққа бормайди, дея ёзади газета.

«МАРС» — АМЕРИКАНИНГ ЯНГИ ШТАТИ

Америкалик 5 нафар астронавт ҳукумат раҳбарларини бор ҳақиқатни яшираётганликда айбламоқда. Миллий фазовий вакиллик аниқлашича, бу «сирли ҳайкал» бундан 4000 йил олдин жонли мавжудодлар томонидан барпо этилган.

— Бизнинг ҳукуматимиз минг йилликларга таалуқли бўлган бу оламшумул янгиликни ёпиб қўймоқда, — дейди астронавтлардан бири. — Бу космик ўлчамдаги «Уолтергейт» холос.

Бешта космик қаҳрамонлардан учтаси «Аппаллон» гуруҳида иштирок этган. Қолган иккитаси эса космик синовларда бўлиб «Пайтфайндер» муҳандисларидан махфий лойиҳаси тўғрисида хабар топишади ва бу тўғрида таниқли астронавт доктор Пол Майнартга гапириб беришади.

— Улар, ҳукумат жамиятга бор ҳақиқатни эълон қилишни хоҳламаётганликларидан ғазабланишмоқда, — дейди далилларга кўра бу иш билан мустақил изланишлар олиб бораётган доктор Майнарт.

«Марс билан юзма-юз» деб аталаётган бу тош қурилманинг тасвири 1976 йили «Викинг»дан олинган. Кўп йиллар давомида қурилма табиат томонидан яратилган деб ҳисобланиб келинди. Унинг одам «чеҳра»сига ўхшашлиги эса бор-йўғи оддий ўхшашлик деб қаралган.

НАСА олимлари янги компьютер техникаси ёрдамида қайта ишланган тасвирларнинг асл нусхаларига биноан, бу фикрни ўзлаштиришди. Бу ҳақда ўтган йили Доктор Майнарт томонидан қўлга киритилган махфий ҳисоботда хабар қилинган.

Янги техника ёрдамида қайта ишланган бу фотосуратлар янада аниқроқ тасвирга эга бўлди ва катталаштирилган тасвирларда инсон чеҳрасига, шаклига ўхшаш мавжудод кўрсатилганлиги аниқланди.

1996 йили Доктор Майнартнинг қўлга киритишга муваффақ бўлган махфий ҳисобот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда фотонусхалари 23 апрель «Wekly World News» номерида эълон қилинган.

НАСА мутахассисларининг фаразига кўра «чеҳра»лар пайдо бўлиши қарийб эрамиздан олдинги 2500 йил илгари, яъни иперликлар ўз пирамидаларини қураётган даврга тўғри келади.

Компьютер ёрдамида катталаштирилган тасвирлар тошларда ғайритабиий ёзув белгилари борлигини кўрсатди. Олимларнинг тинимсиз меҳнати ва чуқур изланишлари натижасида бу белгиларни ёзувга айлантириб ўқишга муваффақ бўлинди.

Тошдаги белгиларга мувофиқ бу одам «чеҳраси»ларнинг буюк йўлбошчиси ва саркардаси «Ксоантес» исмли шахсга таалуқли эканлигини кўрсатади. НАСА экспертлари шундай хулосага келишган. Бу «чеҳра» оддий ҳайкал эмас, балки Ксоантес ва унинг наслига мансуб аждодлари ҳоки қўйилган наслий қабристонлигидан далолат беради. Шунингдек бу қабристон марсликларга хос маданият тури сифатида бебаҳодир.

— «Патфейндер»ни зудлик билан Марсга жўнатиш керак бўлиб қолганлигининг муҳим сабаби ҳам мана шунда, — дейди доктор Майнарт.

196 миллион доллар қийматидаги фазовий қурилма бундан бир йил илгари декабрь ойида учирилганди. Унинг вазифаси қизил коинот бўйлаб 130 миллик сафарини тугатиб, Марсда юрувчи махсус мослама 6 ғилдиракли, дистанцион бошқармага эга бўлган «Сожернер»ни Марс бўйлаб изланишга жўнатишдан иборат бўлган.

Расмий топшириққа кўра эса «Сожернер»нинг вазифаси Марсдаги қояларни расмга олиш ва унинг химиявий тузилишини аниқлашдир. Бироқ астронавтлар доктор Майнартга «Сожернер»нинг Марсга бундан-да муҳимроқ вазифа билан жўнатилганлигини айтишди. Аслида «Сожернер» Марсга қўнгач, тасвирда олинган инсон «чеҳра»сига ўхшаш ҳайкални аниқроқ ўрганиб чиқиб, имконияти бўлса унинг ичкарисига кириш ва қабристон ичкарисидаги ўзга сайёраликларга тегишли барча тафсилотларни видеотасвирига олиш каби муҳим топшириқлар белгиланган.

Беш астронавт ўзларининг кимлигини яширин ҳолда қолдиришларини доктор Майнартдан илтимос қилишди. Сабаби ҳукумат раҳбарлари агарда бу маълумотлар эълон қилинса уларни жиддий кўнгилсизликлар кутаётганини айтган. Бироқ фазовий вакиллик бу хабарни расмий равишда жамоага эълон қилишларини жиддий талаб қилишмоқда. Шунингдек «Портфайндер»нинг кетидан Марсга учишга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

Астронавт Майнартнинг изоҳлашича, тажрибали археологлар ҳам «Марсдаги чеҳра» ичкарисига киришлари ва уни текширишлари лозимлигини тасдиқламоқда.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Болалар учун. «Бешбармоқ».
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.25 Кино янгиликлари.
9.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
12.35 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.00 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
13.20—14.00 Телениматюралар театри — Сурхондарёда.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Шарқ тароналари». 20-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20, 23.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
21.50 «XXI аср бўсағасида».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 «Бешинчи ўлчов».
22.20 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Кулги ишқибозлари». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Сайёрамиз нафаси».
20.15 «Умр баҳори».
20.30 «Ракурс».
21.00 «Спорт-тайм».
21.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
21.55 «Кичик шаҳардаги завод оламни забт этмоқда». Ҳужжатли фильм (Япония).
22.45 «Ўн икки тилда ўн беш соат».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Энг муҳими». Адабий-маърифий кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Париларнинг кузги совғаси». Болалар учун фильм.
12.10 «Шарқ тароналари». 20-кўрсатув.
12.35 «Фил учун совға». Мультфильм.
12.45—14.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.30 «Табобат сирлари».
18.45 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Излаган имкон топар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бирдан бир миллионгача». Публицистик кўрсатув.
21.20 «Назм ва наво». Хазиний лирикаси.
21.50 «Беллашувлар, натижалар...»
21.55 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент)—«Сурхон» (Термиз). Ёзиб олинган.
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Авлодимиз».
23.25 «Акс».
23.45—23.55 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Чип». Қисқа метражли телевизион фильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «Оқшом чоғи, аршу-аълода». Бадиий фильм (Австралия).
24.00 — 00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 22.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Тиббиёт Сизлар учун».
21.30 «Ўйингоҳ».
22.00 Мусиқий дақиқалар.
22.10 «Спектаклдан сўнг».
22.40 «Серго». Видеофильм.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Най».
8.40 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
9.00 «Йиллар ўтиб». Бадиий кўрсатув.
9.20 «Чемпион сафардан қайтди».
9.40 «Қуённинг кўз ёшлари», «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильмлар.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.
12.25 «Назм ва наво». Хазиний лирикаси.
12.55—14.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 «Ранглар жилоси».
18.40 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
19.00 «Шарқ тароналари». 21-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
21.20 «Саньаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Мулаҳонов.
21.40 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.05 «Бухорои Шариф».
22.25 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
22.55 «Муҳлис ёҳуд қўшиқ изидан...»
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «Занжир». Бадиий фильм (Англия).
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Безнен мирас».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Азизим».
21.00 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Парвоз».
22.05 «Ҳаёт карвони».
22.35 «Нафосат гулшани».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Саньаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Мулаҳонов.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳунари бор, хор бўлмас».
9.35 «Шарқ тароналари». 21-кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Истиқлол адабиёти».
10.25 «Алдар Кўса». Бадиий фильм.
11.50 «Ватанни севмоқ иймондандир».
12.15 Болалар учун. «Бўш вақтим — хуш вақтим».
12.40 «Ботма, қуёш».
13.00 — 14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
18.20 «Езувчилар — болаларга». Эргаш Раимов.
18.40 «Илм — ўзликни билмакдир».
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Адабий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.40, 23.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.45 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
23.05 Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова концерти.
23.25 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Болалар дунёси».
9.15 «Турфа олам».
9.45 «Нафосат».
9.55 «Бу мунис лаҳзалар».
10.20 «Кенгга кенг дунё».
10.35 — 13.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт кўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Толенома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муносабат».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Ҳудуд».
22.40 «Кино жавонидан».
00.10 — 00.20 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.30

*

21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 «Сулола». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Каффос». Детектив комедия.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шалом».
20.20 «02» тўлқинида.
20.35 «Минг бир маслаҳат».
20.50 «Компьютер ревю».
21.05 «Интерспорт».
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Каталог».
22.00 «Эллада».
22.30 «Мусиқий калейдоскоп».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова концерти.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мангуликка даҳлдор».
9.25 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Малика ва Шаҳзода».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ислоҳот одимлари».
10.30 Немис тили.
11.00 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.25 XII Марказий Осий ўйинлари олдидан.
11.50 «Сайқал». Видеоканал.
12.50 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Маърифат бешиги».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Ёруғ олам кўзгуси».
19.00 «Шарқ тароналари». 22-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.05, 00.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дурдона».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
21.45 «Маърифатнома».
22.15 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов концерти.
22.45 «Меҳр макони».

«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.

23.10 «Олам».
23.20 «Мажнунтол». Кинокомпозиция.
23.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 11-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.20 «Ахборот».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт кўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Толенома».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Мутойиба».
10.40 «Муносабат».
11.10 «Ҳудуд».
11.40 — 13.10 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Пойтахтдан узоқроқда».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.00 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.10 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.05 «Сўзлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «7 дан 70 гача».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.15 «Бокс, бокс, бокс».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10 — 00.20 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Ҳақиқат билан тўқнашув». Бадиий фильм.
24.00 — 00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Мурувват».
20.50 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
22.00 «Жума куни ишдан сўнг».
22.30 «Палитра».
22.50 «Шарқ дарбозаси».
23.10 «Йўллар ортидаги йиллар».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кичкинтоймиз — гижинг-тоймиз».
8.45 «Маърифатнома».
9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 11-қисм.
10.00 «Шоҳруҳ клуби».
10.20 «Булутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
10.30 Олтин мерос. «Либослар жозибаси».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.45 «Маҳорат».
11.05 «Сени Ватан кутади».
11.25 «Идрок».
11.45 «Самраат». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).
13.50 «Туркий уруғлар».
14.05 — 14.35 Эстрада тароналари.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 «Зангиоталик йигит». К. Тўлаганов.
19.00 «Ҳайрат». Публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Волидангни рози қил». Мусиқий композиция.
22.00 Газета сахифаларида...
22.20 «Шийпондаги учрашувлар». Жиззах вилоят Пахтакор тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Ҳазил».
23.40 Умар Шариф «Муҳаббат ҳақида миш-мишлар» фильмида.
01.20 «Мунажжим башорати».
01.25 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Пойтахтдан узоқроқда».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.40 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.50 «Дил дафтари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.20 «Ривоят».
10.30 «7 дан 70 гача».
10.50 «Кинонигоҳ».
12.20 — 12.35 «Бокс, бокс, бокс».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.35 «Умрбоқий мерос».
18.50 «Дугона».
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Омонлик тилаймиз».
20.20 «Минг ҳунар соҳиблари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ плюс театр».
21.20 «Глобус». Телеальманах.
21.40 «Мафтункор чеҳралар».
22.00 «Интерфутбол».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 Видео — «О».
00.05 — 00.15 «Даракчи».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Минг бир қиёфалар». Фильм-спектакль (А. Райкин иштирок этган). 1-қисм.
22.55 — 23.05 «Галерея бўйлаб». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Уй остонадан бошланади».
10.55 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 25 oktabr, shanba № 125 (22.209).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М.ҚУРБОННИЁЗОВА, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 619 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОРЗУЙИМ ~ ЁРИТСИН ЙЎЛИМ ҲИЛОЛИНГ

Шеър ва шуур

Хуршиданинг шеърлари республикамизнинг турли марказий рузномаларида эълон қилинган. Унинг шеърларидан Нодираю Увайсий, Маҳзунаю Зебунисо шеъриятига мухлисалик сезилади. Мумтоз адабиётимиз анъаналари муҳаббати бирла кўнгил ифодасини топишга ҳаракат қилаётган шоира изҳорлари беихтиёр диққатингизни тортади.

Ёш шоира Хуршида ўз шеърларидаги самимият билан ишончингизни қозонишига аминмиз.

***

Тунда тундек тийра дилга
Илк баҳри нур сочолдинг сен.
Таҳаммул-ла ташна гулга
Ишқ булоғин очолдинг сен!..

Надоматким, вобаста гул
Ихтиёрин ниҳон этди,
Ёғдуларингга бўлди қул.
Вале этмай аён, кетди...

Тағин тундек қаро зулфинг
Насиб бўлгайму, билолмас...
Чашминг, қароғинг оҳ —
қулфинг!..
Гул банди, озод бўлолмас.

Бир дам саховатли ҳариф
Бўлдинту бахш этдинг ҳаёт!
Наҳот, эй беназир шариф,
Маҳшаргача эрурсан ёт?!
Жон олғувчи малак ташриф
Этса ҳам боғ кезмасмисан?
Гул — ғофил эрса, сен —
ориф,
На дер кўнгил, сезмасмисан?

Чархи кажрафтор гулни гар
Элтмаса ул висолингга —
Йўлла малакдин хуш хабар —
Зори гуфтори болингга...

***

Алдасанг гар ўртаниб куйгуси бағрим, бўл огоҳ,
Ичмагин козиб қасам, топқуси тангрим, бўл огоҳ.

Мосиволлаҳ сезмагай, деб қилма покликка даъво —
Ўйламай босган қадам қазгай сенга маҳшарда чоҳ.

Тўқур ёш кўзларим — қўрса фирибгарликдан нишон,
Санчима бу кўксима хор, бўлурман зойиъ ногоҳ.

Ошино бўлмас дилим асло риёкорлар била,
Сўйла ошкор афсун этса ўзга ёр, ўзга нигоҳ.

Эрур бенаф серсуханлик, кўмиб минг гумонларга,
Кўнгилни хун айламоқлик ҳам авф этилмас гуноҳ!

1

ЗАРДЎЗЛАР СОВҒАСИ

БУХОРО. «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти 30 дан зиёд турдаги зардўзлик ва патдўзлик буюмларини тайёрлади. Зардан ишланган буюмларда қадимий шаҳар кўринишлари ўз аксини топган. Бу маҳсулотлар жамиятнинг дўконларида савдога чиқарилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик

ШИРИН СЎЗ МУКОФОТИ

Одатдагидек иш куни бўлгани учун автобуслар тирбанд. Биз чиққан 18-йўналишдаги автобус бекатдан йўловчиларни олар экан базўр ўрнидан силжиди. Шу пайт микрофондан ҳайдовчининг овози эшитилди:

— Ассалому-алайкум, азиз биродарлар! Сафарингиз бехатар бўлсин. Ёшлар, катталарни ҳурмат қилиб, жой беринглар. Болалик аёлларни ҳам эътибордан четда қолдирманг...

Кўпинча чиптага пул сўрашдан бошқани билмайдиган ҳайдовчиларни кўраверган йўловчилар бу муомаладан андак ажабланишди ҳам.

Навбатдаги бекатга келганда бир нуроний отахон тушишга ҳозирланди. Тушаётиб эса ҳайдовчининг сумкасига битта чиптанинг пулини ташлади ва деди:

— Биласиз ўғлим, биз қариялар автобусларда текинга юрамиз. Бироқ бу пул оз бўлса-да, ширин муомалангиз учун. Ё бирор бева-бечорани пул олмай манзилга элтиб қўярсиз...

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Тунги соат ўн иккидан ошган. Ёзнинг жазирамаси нафақат кексалар, балки ёш гўдакларгача кўнгилларини беҳузур қилади. Шунақа пайтда, айниқса, кўп қаватли уйларда яшайдиганларга қийин.

Уйимизнинг шундоққина рўпарасида жойлашган тамаддихона худди кундузгидек хўрандалар билан гавжум. Музқаймоқчининг қўли-қўлига тегмайди, кабобпаз буюртмаларни бажаришга улгуролмай, чалачулпа пишириб бўлса ҳам сотяпти. Нарироқда магнитофондаги ёқимсиз қўшиқ тун ярим бўлгани учун атрофни исканжага олган. Қаҳ-қаҳалар акс-садо беради.

Рўпарадаги «дом»да яшовчилардан бири кун бўйи дастгоҳ ёнида туриб чарчаган, кимдир бетоб, яна бири боласининг хархашасидан тунни ҳам бедор ўтказган. «Дом» билан тамаддихона орасидаги масофа нари борса ўн метрча келади. Шовқин-сурон ҳамманинг жонига теккач, ун-тўрт киши тўпланишиб ў ердагиларнинг «танобини сал тортиб қўйиш учун» тамаддихонага тушдик.

— Биз дам олиш ҳуқуқига эгамиз, — ўшқириб жавоб берди ўша ердаги оғзи полвонлардан бири. Бошқалар ҳам унинг фикрини маъқуллаб, қўлларидаги шароб тўла пиёлаларни бўшатишди ва куйга мос келса-келмаса ўртага тушиб сакрай бошлашди...

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА.
Наманган шаҳри.

***

Насим оғушида
Соғинч нағмасин чалди торим —
Изинг излашга чоғландим, лек ҳижоб бўлди орим.
Маскани ноаён ёрим, озорлари бисёрим,
Қадамлари ошёнима ҳаво янглиғ даркорим.

Ташна дил заҳри мор ичди, ўртаган армон сабаб,
Ўт ичинда хорни қучдим, заҳми зўр ҳижрон сабаб.
Даҳр аро ишқ домига ҳеч топмадим имкон, сабаб:
Кўнгил сенинг, жисму жоним побасти зиндон сабаб.

Жон физо ўйлар баҳрига чўлғонмоқни соғиндим,
Умидбахш тунлар бағрида тўлғонмоқни соғиндим —
Субҳи козиб ваъдаси-ла уйғонмоқни соғиндим...
Дийдорсиз ишқ гулханида чўғланмоқни соғиндим...

Эсласам, дил токчасига изтироблар тахланур,
Ёнар кўксим, вале ашким кипригимда яхланур,
Васфинг баёни кўйида қаламларим чархланур —
Энг муқаддас сўзим —
Кўнгул жавонида сақланур...

* * *

Токи бир кўрмас эканман жамолинг,
Ғазал битолмам мадҳ этиб камолинг.

Мурувват қилғил билай не экан ул,
Эй, муҳаббат, сенинг наввоту болинг.

Жаҳонда тотмаган йўқдир бу болдин,
Наҳотки менга бир садақа уволинг?

Шаробингдин бўлди Машраб дарбадар,
Менга ҳам тут, келмасин ҳеч малолинг.

Ишқ бобида не битарим билолмам,
Орзуйим — ёритсин йўлим ҳилолинг.
Мен севган ёр лоақал бир сўрмайдур:
«Не кечмоқда фироқ даштида ҳолинг?»

Вале ўзга халоскор даркор эмас,
Сарҳуш айласин дилим илк висолинг.

Рад этсанг афсус чекурсан, огоҳ бўл,
Душвор айлаганда ағёр аҳволинг.

* * *

Еткурманг озор қалбима, ёниб дардли ғазал биттум,
Озорингиз сиғмаса бул қоғоза кўксимда тутгум.

Гар қаддимни букса вазни унсиз ўкинчимни ютгум,
Юракка бардошдин, юзга табассумдин ниқоб эттум.

Вақтинча беркитмиш ниқоб, озор изсиз ўчиб кетмас,
Тиғ яроси битмиш, аммо тил жароҳатласа битмас,

Бу жароҳат бирла боқий умрга ҳеч кўзим етмас,
Сабр етмиш, озор илдизи лек юракни тарк этмас.

* * *

Не сабаб бесўроқ мендин кирдинг кеча тушимга?
Сабоҳдин то оқшомгача келолмадим ҳушимга.

Сен тушимга ташриф этган тунларим фаррух ва лек,
Хушлай олмасман куним, зар - олтину кумушимга.

Шуъла афшонинг, ситорам, дилкушодур, дилкушо!
Кўнгил ранжур, сочмадинг нур бу тун не қилмишимга?

Муфаррих меҳмон бўлиб хуш аллала ҳар кеч мани,
Ки кўмак бергил тушимда ҳушимга келмишимга.

Мисли булбул гулни қучгил, чоғла кўнгил тонгтача,
Не ажаб берса самар Хуршид каби кулмишимга.

ХУРШИДА.
Андижон шаҳри.

2

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 1997 йил 28 ноябрь куни соат 15.00да фирманинг клубида ўтказилади.
Йиғилиш кун тартиби:
«Ўзэлектркабелсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг устав фондини ошириш тўғрисида».

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Прогресс Ассоциация "ПРОГРЕСС" реализует

ПАРКЕТ (штучно: буковый, ясеневый, дубовый),

изготовленный на итальянской линии, упакован в полиэтилен. Евростандарт.

Погонажные изделия: рейки, нащельники, плинтуса, наличники и мн.др.

Форма оплаты любая.

Цены на 30% ниже рыночных!

Тел.: (371) 133-40-74, 133-54-27.
Адрес: г.Ташкент, ул.Ниязбек йули, 24 (бывшая Урицкого).

TOSKENT SUT

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"ТОШКЕНТСУТ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ "ТЕТРА ПАК" ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН 1 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН СУТНИ, ШОКОЛАДЛИ, ҚУЛУПНАЙЛИ ВА БАНАНЛИ СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК 0,2 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН ОЛМА,

АПЕЛЬСИН, МАНДАРИН ҲАМДА ШАФТОЛИ ШАРБАТЛАРИНИ СОТАДИ.

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ МУДДАТИ — 4 ой
ШАРБАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ МУДДАТИ — 1 йил.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР МАВЗЕСИ, 26-ДАҲА. "ТОШКЕНТСУТ"

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 72-05-80, 72-02-81.

«РАМИКАБ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

қишлоқ хўжалиги машиналарининг эҳтиёт қисмлари: 75х100, 85х105, 140х170 манжетларини **ишлаб чиқаради**, А-01, Т-4А, Т-28х4, МТЗ-80-82 ва ўрим комбайнлари учун подшипникларини 204, 205, 206, 207, 208, 210, 211, 212, 216, 230, 304, 305, 306, 308, 309, 310, 313, 315, 406, 7204, 7509, 7510, 7519, 7611, 7613, 32315, 50408, 180204, 180205, 180208, 180303, 180304, 180308, 180504, 986714.

таклиф этади.

Ҳисоб-китоб-пул ўтказиш йўли билан.





Мурожаат учун манзил:: Тошкент, Фарғона йўли, 5-А, САЛОН "РАМИКАБ" (подшипник дукони)
Тел: 132-12-11, 132-05-78
Тел/факс: 132-05-77.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАНК МИЖОЗЛАРИ!

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ»

"Рынок, деньги и кредит"

илмий-амалий журнали

Сизга 1998 йил учун обуна бошланганини маълум қилади! Бизнинг нашримиз фирма раҳбарлари, банкирлар, давлат хизматини ўтаётганлар, банк мижозлари — хуллас, ҳамма учун, зарурий ахборот ва амалий билимга эга бўлиш мақсадидаги барча-барча учун мўлжалланган.

Журнал Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва қўшни мамлакатларда тарқатилади.

Республика матбуот тарқатиш каталоглари бўйича журнал индекслари:

	"Ўзбекистон почтаси"	"Даврий нашрлари"
Якка обуначилар учун	800	75532
Корхоналар ва ташкилотлар учун	800	75533

МДҲ мамлакатлари учун индекс 75298
Обунани истаган алоқа бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.
Маълумот учун таҳририят телефони: (371) 139-49-21

Ўзбекистон Республикаси "Банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддасига асосан банк кредитидан фойдаланганлиги учун тўловларни вақтида қайтара олмаган қуйидаги корхоналар ихтисослашган акционерлик тижорат банки — **"Алоқабанк"** томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинади.

Ташкилот номи	Рўйхатдан ўтган туман	Рўйхатдан ўтган вақти	Рўйхатдан ўтган рақами
"Алмер" ижодий-ишлаб чиқариш кичик корхонаси	Сирғали тумани	6.12. 1990 йил	456/29-9
"Ирэндол" ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси	Чилонзор тумани	18. 05. 1995 йил	225-5

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.